



ТЕМИРҲО‘ЛЧНИ

Temir yo'llar mamlakatimiz iqtisodiyoti-ning qon tomiridir.

Gazeta 1933-yildan chiqa boshlagan



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-yil • 18-iyun • payshanba • № 23 (6603)

Президент Шавкат Мирзиёев “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятини трансформация қилиш ва IPOга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишди.

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА IPOGA ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Сўнги йилларда давлат иштирокидаги йирик корхоналарни ислох қилиш, уларда корпоратив бошқарув ва ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда Миллий инвестиция жамғармаси фаолиятининг йўлга қўйилгани ва унинг бошқарувида “Franklin Templeton” компанияси жалб этилгани муҳим қадам бўлди.

Ўтган ойда Миллий инвестиция жамғармаси илк бор халқаро бозорда 690 миллион долларлик активларни жойлаштирди. Бу орқали Ўзбекистон глобал капитал бозори қоидалари асосида ишлашга тайёр экани ҳақида муҳим сигнал берилди. Жойлаштириш жараёнида талаб тақлифдан 4 баробар юқори бўлиб, йирик инвесторлар томонидан қарийб 3 миллиард долларлик буюртмалар берилди.

Энди жамғарма портфелидаги 13 та йирик компанияда трансформация жараёнини тезлаштириб, уларни IPOга тайёрлаш вазифаси турибди. Жумладан, “Uzbekistan Airways”, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Ўзбек-гидроэнерго”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ва “Ўзбектелеком” бўйича ишларни шу йилнинг ўзида якунланиши мақсад қилинган.

Тақдимотда “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти мисолида мазкур жараёнларни ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

“Franklin Templeton” вакиллари томонидан миллий авиакомпаниянинг фаолияти диагностикадан ўтказилиб, 115 та чоратадбирдан иборат трансформация дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур тўлиқ амалга оширилса, компаниянинг операцион даромадларини бир йилда 120 миллион долларга ошириш имкони борлиги ҳисоб-китоб қилинган.

Жумладан, маршрутларни оптималлаштириш, тўғридан-тўғри сотувларни ошириш ва мижозлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, парвозлар орасидаги вақтни қисқартириш, рейсларни бекор қилиш ҳолатлари ва кечикишларни камайтириш, кейтеринг ва техник хизмат кўрсатиш каби тизим корхоналари самарадорлигини ошириш, бозордаги вазиятга тезкор мослашиш ва малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳисобидан қўшимча даромад олиш мумкинлиги қайд этилди.

Давоми 2-бетда

ТОШКЕНТ – АНДИЖОН ВА ТОШКЕНТ – ТЕРМИЗ Йўналишида Юқори тезликдаги поездлар ҳаракати режалаштирилмоқда



ЎТГАН ҲАФТА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР Йўллари” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ БОШ МУҲАНДИСИ ШАРОФИДДИН ҚОДИРОВ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ БЎЛИМ БОШЛИҒИ АНВАР ДУШАЕВ ҲАМДА “HYUNDAI ROTEK” КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛИ ЁН БЭ ЎРТАСИДА УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ.

Учрашув давомида томонлар ўзаро ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболли йўналишларини муҳокама қилдилар. Хусусан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти учун ишлаб чиқарилаётган юқори тезликда ҳаракатланувчи “Жалолидин Мангуберди” электропоездни белгиланган муддатларда етказиб бериш лойиҳаси ижроси юзасидан ўзаро маълумот алмашилди.

Шунингдек, “Тошкент – Андижон” ва “Тошкент – Термиз” йўналишларида юқори тезликдаги поездлар ҳаракатини ташкил этиш мақсадида 8 та за-

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР Йўллари” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УЧУН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН “ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ЮҚОРИ ТЕЗЛИКДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ЭЛЕКТРОПОЕЗДИНИ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРДА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЛОЙИҲАСИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЎЗАРО МАЪЛУМОТ АЛМАШИЛДИ.

монавий юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоездларни етказиб бериш лойиҳаси юзасидан техник шартларни якуний келишиш бўйича батафсил

музокаралар ўтказилди. Учрашув якунида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни самарали

амалга ошириш ҳамда ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатларни давом эттиришга келишиб олдилар.

АҚЛЛИ ТЕМИР ЙўЛ КЕСИШМАСИ ЛОЙИҲАСИ

ТЕМИР ЙўЛ КЕСИШМАЛАРИГА МАСОФАДАН БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ЎРНАТИЛДИ

ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН “ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙўЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИГА ҚАРАШЛИ “ҲАМЗА” ВА “ТОШКЕНТ-ЮК” СТАНЦИЯЛАРИ ОРАЛИҒИ 8-КИЛОМЕТР 10-ПК ВА 9-КИЛОМЕТР 8-ПК ДАГИ ТЕМИР ЙўЛ КЕСИШМАЛАРИГА МАСОФАДАН БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ЎРНАТИЛДИ.



Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти ва филиал раҳбарияти, тегишли корхона, бошқармалар бошлиқларидан иборат ишчи гуруҳ синов тартибидан қўйилган ушбу тизимни бориб ўргандилар.

Бунда темир йўл кесишмаси қурилмалари, навбатчи иштирокисиз, темир йўл масофаси корхонасидаги бошқарув марказида масофадан бошқарилади. Кесишмага ўрнатилган кузатув камералари доимий назоратни таъминлайди ва автомобиллар оқимини автоматик равишда ҳисоблаш имконини беради.

Кесишма навбатчиси ностандарт вазиятларда ҳаракатни амалга ошириб, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлайди. Ҳайдовчилар эътиборини жалб қилиш учун “Г”симон қўшимча сигнализация ва йўл белгилари ўрнатилди.

Расмий тайинлов

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг буйруғига биноан:

ФАРМОНОВ Ихтиёр Асрорович – “Темирйўлларго” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари;

ЖАБАРОВ Ойбек Ражабалиевич – “Темирйўлларго” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг мультимодал ва халқаро ташувлар бўйича ўринбосари;

ЗАЙНИТДИНОВ Фаррух Фазлиддинович – “Темирйўлларго” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг тезкор масалалар бўйича ўринбосари;

КАСИМОВ Дилмурод Раҳматович – “Темирйўлларго” акциядорлик жамияти Электр таъминоти бошқармаси бош муҳандиси;

ЗАЙНУТДИНОВ Хуснитдин Зухритдинович – “Темирйўлларго” акциядорлик жамияти “Тошкент электр таъминоти масофаси” филиали бошлиғи;

ШОДМАНОВ Шерали Каржович – “Темирйўлларго” акциядорлик жамияти “Ховос электр таъминоти масофаси” филиали бошлиғи;

ЭШМУРОДОВ Бахтиёр Мингбобоевич – “Темирйўлларго” акциядорлик жамияти Электр таъминоти бошқармаси бошлиғининг қурилиш ва электрлаштириш бўйича ўринбосари этиб

ТАЙИНЛАНДИ.

■ СОҶА ФИДОЙИЛАРИ

МИРАСАД МИРБОБОВ:

“РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТЕХНИК САЛОҲИЯТНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚМОҚДА”

Бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тасарруфидаги корхона ва ташкилотларни рақамлаштириш, республиканинг энг чекка ҳудудларидаги участкаларни электрлаштириш ва поездлар ҳаракати тезлигини ошириш ҳамда бу орқали энергия сарфини камайтириб, экологик тоза транспорт турини ривожлантириш устувор вазифалардан саналади.

Тизимда олиб борилаётган бу каби ислохотларни амалга ошириш йўлида Мирасад Мирбобов ҳам салкам 40 йиллик умрини сарфлаган фидойи темирйўлчилардан.

У темир йўл тизимини ривожлантириш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек, соҳага керакли мутахассисларни тайёрлашда муносиб ҳиссасини кўшди. М.Мирбобов Тошкент алоқа ва сигналлаштириш масофаси корхонасида иш бошлагандан буён темир йўл транспортда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, автоблокировка, электр марказлаштириш, темир йўл кесимчалари автоматикаси ҳамда алоқа тизимларининг узлуксиз ва мукамал ишлашини назорат қилиш, уларга техник хизмат кўрсатиш каби мураккаб юмушларни сидқидилдан адо этиб келмоқда.

У аҳил жамоа билан йўловчи ҳамда юк поездларини ўз манзилларига хавфсиз етказишда жонбозлик кўрсатибгина қолмай, соҳага замонавий рақамли технологиялар ва компьютерлаштирилган бошқарув усуллари муваффақиятли жорий этиш орқали корхонанинг техник салоҳиятини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Бу каби фидокорона меҳнатлари нафақат темир йўл инфратузилмаси хавфсизлигини таъминлашда, балки Тошкент алоқа ва сигналлаштириш масофасини соҳанинг энг илғор ва намунали тармоқларидан бирига айлантиришда хизмат қилаётди.

Мирасад Мирбобовнинг узок йиллик ҳалол меҳнати, ташаббускорлиги, соҳани ривожлантиришда ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда тизимга керакли мутахассис тайёрлашда кўшган хизматлари учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан 2005 йилда “Фахрий темирйўлчи” белгиси билан тақдирланди.

– Корхонамизни рақамлаштириш жараёнига ўтиши темир йўл транспортда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ва бошқарув самардорлигини оширишда энг муҳим қадам бўлди, – дейди Мирасад Мирбобов. – Илгари бу мукамал юмушларнинг барчаси ёзининг жазираси ва кишининг қажратон совуқ кунларида ҳам ҳудудлардаги участкаларга борилиб, қўл меҳнати орқали бажарилар эди. Барча турдаги назорат ва таъмирлаш ишлари эса механиклар томонидан



бевосита жойларда, электр занжирларини қўлда тозалаш ва ўлчов асбоблари асосида амалга оширилган бўлса, бугунда эса бу тизим тўлиқ автоматлаштирилди. Ҳозирда бошқарув маркази муҳандиси монитор орқали носозлик нуқтасини аниқ координатлар билан қайд этади. Натижада, жойлардаги мутахассислардан фақат шикастланган модулни, яъни блокни алмаштириш талаб этилади, холос. Бу қилинган саъй-ҳаракатлар инсон омилига боғлиқликни камайтириб, техника тараққиётини кескин тезлаштирди. Ҳозирги иқтидорли, тиришқоқ, Учинчи Ренессанс даври ёшларига ҳавас қиламан. Барча мураккаб ишларни масофадан туриб, темир йўл ва унинг кесимчаларида юзага келадиган ҳар қандай муаммоларни бир-

гина тугмачани босиш орқали ҳаракат хавфсизлигини таъминлашмоқда.

Мирасад Мирбобов жамоаси ва шогирдлари орасида “Ўз касбининг фидойиси” ва “маҳоратли устоз” деган шарафли унвонга ҳам сазовор бўлган.

Дарҳақиқат, Мирасад ака узок йиллар мобайнида темир йўлларда пўлатдек тоблани, етарлича тажриба орттирди, ўзи ҳам устоз даражасига етди. Бугунги кунда у соҳага 100 нафарга яқин шогирдлар тайёрлади. Айни дамда унинг шогирдлари орасида соҳанинг энг юқори лавозимларида меҳнат қилаётганлари ҳам бор.

Мирасад ака ва Мохитгул опанинг йиллар синовидан ўтган намунали оиласи маҳаллада кўпларга ибрат бўлмоқда. Бу тинч ва тотув, ҳавас қилса арзигулик хонадонда фидойи темирйўлчилар сулоласи ҳам камол топмоқда. Катта ўғли Миржалол “Тошкент йўловчи вагонларни куриш ва таъмирлаш заводи” акциядорлик жамиятида Йўловчи вагонларнинг ички қисмини таъмирлаш бўлими бошлигининг муовини, иккинчи ўғли Миразимжон Янгийўл шаҳар спорт мактаби мураббийси, кенжа ўғли Мираббос ота касбига ҳавас қилиб, Тошкент алоқа ва сигналлаштириш масофаси филиали электромонтёр касбида меҳнат қилмоқда. Айни дамда Мирасад ака ва рафиқаси меҳрибон фарзандлари ва 11 нафар набираси билан умргузаронлик қилмоқда.

Ижодий жамоамиз билан Мирасад Мирбобовнинг бундан кейин ҳам темир йўл тизимида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ва йўловчи ҳамда юкларни хавф-хатардан холи равишда ўз манзилларига етказишда хорманг ва толманг деб қоламиз.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИРОГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

◀◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда

Бу чоралар натижасида авиакомпаниянинг бозор қийматини 1,6 миллиард доллардан 2,3 миллиард долларгача ошириш имкони мавжуд. Шу билан бирга, дастур ишлаб чиқилганига бир неча ой бўлганига қарамай, уни амалга ошириш ишлари суст бораётгани кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари компанияни халқаро капитал бозорига тайёрлаш учун, аввало, бошқарув сифатини тубдан ошириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритиш ва кредит рейтингини яхшилаш зарурлигини таъкидлади.

Йил якунигача миллий авиакомпаниянинг 15-20 фоиз акциясини халқаро IPO орқали сотиш мақсад қилинган. Бунинг учун компания фаолиятини холис баҳолаш, унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, махсус ҳаво кемаларини компания балансидан чиқариш, давлат буюртмаси асосида бажарилган хизматларни қоплаш механизмининг жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилиши белгиланди.

Тақдимотда туризм соҳасидаги юқори ўсиш суръатлари авиакомпания олдига янги талаблар қўяётгани ҳам қайд этилди. Йил бошидан мамлакатимизга келган туристлар сони 27,5 фоизга ошиб, қарийб 5,5 миллион нафарга етди. Айниқса, Хитой, Малайзия, Япония ва АҚШдан келадиган саяёҳлар сони сезиларли кўпайган.

Айни пайтда миллий авиакомпания бу ўсишга етарлича тез мослаша олмаётгани кўрсатиб ўтилди. Самолётлар паркинни кенгайтириш ишларида кечикишлар мавжуд.

Шу боис, авиакомпанияда харидлар тизимини алоҳида тартиб асосида ташкил этиш, самолётлар паркинни кенгайтириш бўйича қарорларни тезкор қабул қилиш ва бу жараёнларда халқаро амалиётни жорий этиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Тошкентни Марказий Осиёнинг йирик авиахабига айлантириш учун барча имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Бунинг учун “Uzbekistan Airways”, “Uzbekistan Airports” ва “Янги Тошкент” аэропорти ўртасида ҳамкорликни ягона тизим асосида мувофиқлаштириш, инфратузилма, йўналишлар ва транзит тармогини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга Миллий инвестиция жамғармаси портфелидаги корхоналар трансформациясини тизимли ташкил этиш учун алоҳида лойиҳа офисини ишга тушириш, компаниялар бошқарув органларига халқаро молия бозорлари талабларини яхши биладиган, амалий тажрибага эга мутахассисларни жалб қилиш, ҳар бир корхона бўйича IPOга тайёрларликнинг аниқ графигини ишлаб чиқиш ва ижросини қатъий назорат қилиш топширилди.

Prezident.uz

■ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ТРАНСПОРТ СОҶАСИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ХАВФСИЗ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Бугунги кунда мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш хизматлари сифатини ошириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соҳада қонунийликни мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Транспорт тизими иқтисодийнинг қон томири бўлиб, унинг барқарор фаолияти мамлакат тараққиёти ва фуқаролар фаровонлигининг муҳим омили саналади.

Шу боис транспорт соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупция ҳолатларига қарши муросасиз курашиш ва хавфсизлик талабларига қатъий риоя этилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Транспорт тизимида содир этиладиган ҳар қандай қонун бузилиши нафақат иқтисодий зарар келтиради, балки инсонлар ҳаёти ва саломатлигига ҳам жиддий хавф туғдириши мумкин. Темир йўл, автомобиль, ҳаво ва бошқа транспорт тармоқларида хавфсизлик қоидаларининг бузилиши оғир оқибатларга олиб келиши ҳеч кимга сир эмас.

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан транспорт соҳасини рақамлаштириш, хизматлар шаффофлигини ошириш, инсон омили таъсирини камайтириш ва коррупцион хавфларни бартараф

этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур ислохотларнинг самарадорлиги эса, энг аввало, қонунларга ҳурмат ва уларга сўзсиз риоя этилишига боғлиқдир.

Транспорт прокуратураси органлари томонидан транспорт инфратузилмаси объектларида қонунчилик ижроси устидан доимий назорат олиб борилмоқда. Хусусан, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этилиши, давлат мулкнинг талон-торож қилинишининг олдини олиш, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига чек қўйиш ҳамда фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲАР ҚАНДАЙ ҚОНУН БУЗИЛИШИ НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ЗАРАР КЕЛТИРАДИ, БАЛКИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИ ВА САЛОМАТЛИГИГА ҲАМ ЖИДДИЙ ХАВФ ТУҒДИРИШИ МУМКИН. ТЕМИР ЙЎЛ, АВТОМОБИЛЬ, ҲАВО ВА БОШҚА ТРАНСПОРТ ТАРМОҚЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИ ОҒИР ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ ҲЕЧ КИМГА СИР ЭМАС.

Шу билан бирга, профилактик тадбирлар орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соҳа ходимлари ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийлик муҳитини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш уни содир этилгандан кейин аниқлаш ва жавобгарлик чораларини қўллашдан кўра самаралироқдир.

Айниқса, коррупцияга қарши кураш масаласи транспорт соҳа-

сида ҳам долзарб аҳамиятга эга. Коррупция хизматлар сифатининг пасайишига, маблағларнинг самарадорлиги эса, энг аввало, қонунларга ҳурмат ва уларга сўзсиз риоя этилишига боғлиқдир. Шу сабабли транспорт тизимида шаффофлик ва очиқлик таъминлаш ҳар бир раҳбар ва ходимнинг муҳим вазифасидир.

Қонун устуворлиги, интизом ва масъулият ҳукм сурган жамиятда тараққиёт барқарор бўлади. Транспорт соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир ходим ўз вазифасини виждонан бажариши, хизмат мажбуриятларига садоқат билан ёндашиши ҳамда давлат ва жамият манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиши зарур.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, транспорт тизимининг хавфсиз

ва узлуксиз фаолияти, аввало, қонунларга ҳурмат, юксак масъулият ва фидокорона меҳнат билан чамбарчас боғлиқдир. Транспорт прокуратураси органлари бундан буён ҳам соҳада қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида барча зарур чораларни кўриб боради.

З.ТУРСУНОВ,
Термиз транспорт прокуровори

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ ИСТЕЪМОЛИНИНГ ЁШЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРҚАЛИШИ БУГУНГИ КУНДА НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗ, БАЛКИ БУТУН ДУНЁ ЖАМИЯТИНИ ТАШВИШГА СОЛАЁТГАН ГЛОБАЛ МУАММОЛАРДАН БИРИДИР.

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ КУРАШ: ОҒОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Мазкур офат оқибатида вояга етмаганларнинг жиноят қўчасига кириб қолиши, улар томонидан оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилаётгани, айниқса, ногирон фарзандлар дунёга келадигани қалбларни ларзага солувчи ачинарли ҳақиқатдир.

Бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг етарли даражада олиб борилмаётгани, айрим ота-оналар томонидан фарзандлар ҳулқ-атвори устидан назоратнинг сусайтирилгани ҳамда таълим-тарбия жараёнидаги бўшлиқлар ёшларнинг турли ҳуқуқбузарликлар содир этишига, жумладан, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик балосига гирифтор бўлишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

БМТ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тахлилий маълумотларига кўра, айни пайтда дунёда 210 миллиондан ортиқ гиёҳванд рўйхатга олинган. Афсуски, ҳозирда ёшлар орасида гиёҳвандликнинг муайян тизими шаклланиб улгурди ва бу кўрсаткич йилдан-йилга 15-20 фоизга кўпайиб бормоқда.

Зарарли моддаларни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг ортиши нафақат аҳоли генофондини ва соғлиғига путур етказиши, балки давлат учун ҳам улкан ижтимоий-иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлади.

Шу сабабли, бугунги кун барчамиздан вояга етмаганлар назоратини қучайтиришни, улар ўртасида гиёҳвандлик, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолининг олдини олишга қаратилган тизимли профилактик ишларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Ҳозирги вақтда яна бир жиддий

БМТ ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАХЛИЛИЙ МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, АЙНИ ПАЙТДА ДУНЁДА 210 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ГИЁҲВАНД РЎЙХАТГА ОЛИНГАН.

хавф – интернет тармоғи орқали гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш, сотиш ва пана жойларга яшириш (“закладка”) авж олмоқда. Кўп ҳолларда ёшлар бу кутқуларнинг ортидаги гаразли ниятларни англамай, жиноят иштирокчисига айланиб қолишмоқда.

Фикримизга далил сифатида яқинда содир бўлган жиноят ишини келтириш мумкин: фуқаро С.Сарвар (исми ўзгартирилган) ўзининг уяли телефони орқали интернетда нотаъин шахс билан алоқа қилишган. У моддий манфаатдорлик эвазига гиёҳванд моддаларни темир йўл излари бўйича ва кўримсиз жойларга яшириб, буюртмачига уларнинг геолокациясини юбориш (“курверлик”) билан шуғулланиб келган. Ушбу жиноий қилмиш ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан фош этилиб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оиланинг муҳити ва унинг моддий аҳволи ёшлар гиёҳвандлигини олдини олишда муҳим ўрин тутаети. Ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда оиладаги ортиқча ва назоратсиз моддий тўқинлик ҳам ёшларнинг қизиқиш ёки шунчаки эрмак учун гиёҳвандлик воситаларини синаб кўришига йўл очувчи омил бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, ёш авлодни бу аср вабосидан асраш, уларнинг келажагини асраш демакдир. Бу йўлда нафақат масъул ташкилотлар, балки ҳар бир маҳалла, таълим муассасаси ва энг аввало, ота-оналар сергак ҳамда оғоҳ бўлишлари шарт.

И.АКБАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокуратураси
Фаргона транспорт прокуровори
адлия маслаҳатчиси,
З.АХМЕДОВ,
Наманган вилояти Транспортда
ХТБ “Поп” бекатида ХТБ ХП
инспектори, капитан



■ ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

CASCA+ КОРИДОРИ ОРҚАЛИ ЮК ТАШУВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА ОЛТИ ТОМОНЛАМА БАЁННОМА ИМЗОЛАНДИ

Жорий йилнинг 8-9 июль кунлари CASCA+ халқаро транспорт коридори бўйлаб юк ташиш ҳажмларини ошириш ва коридор фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган навбатдаги олти томонлама учрашув бўлиб ўтди.



Унда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари А.Камилджанов ҳамда Туркия, Грузия, Озарбайжон, Туркменистон ва Қирғизистон темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди.

Учрашув давомида CASCA+ коридорининг жорий ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари юзасидан атрафлича фикр алмашилди ҳамда қўйидаги муҳим масалалар муҳокама қилинди:



– 2025 йил ва 2026 йилнинг биринчи чорагида коридор доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган натижалар таҳлили;

– юк ташиш жараёнларининг самарадорлигини ошириш, транзит муддатларини қисқартириш ва хизматлар сифатини яхшилаш бўйича таклифлар;

– юк ташувлари учун амалдаги тариф шартларини кўриб чиқиш ҳамда рақобатбардош тариф сиёсатини шакллантириш;

– коридор фаолияти давомида юзага келатган муаммолар, мавжуд тўсиқлар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар.

Учрашув якунлари бўйича иштирокчи томонлар ўртасида CASCA+ коридорини ривожлантириш, юк ташувлари ҳажмларини кўпайтириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган олти томонлама баённома имзоланди.

РАҲБАР ВА ЁШЛАР: ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

“Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти тизимида фаолият юритаётган ёшлар билан очик мулоқот ташкил этилди.



Учрашувда “Темирйўлкарго” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Мўминов ёш мутахассислар ва ёшлар етакчилари билан учрашиб, уларнинг таклиф ва ташаббусларини тинглади ҳамда соҳани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари юзасидан фикр алмашди.

Асосий мақсад – ёшларнинг иқтидорли ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий салоҳиятини рўйбга чиқариш ҳамда темир йўл соҳасини замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш.

– Темирйўлчи ёшлар – мустақкам иродали, билимли ва Ватанга садоқатли кадрлардир. Уларнинг ҳар бир ташаббуси соҳанинг эртанги тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади, – дея таъкидлади раҳбар.



Учрашув давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган масалалар, таклиф ва мулоҳазаларини бевосита раҳбариятга етказдилар. Халқаро



тажриба алмашиш, малака ошириш ҳамда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар муҳокама қилинди. Муҳим ташаббуслар юзасидан масъулларга тегишли топшириқлар берилди. Ёшларнинг касбий ривожланиши ва ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш бўйича янги таклифлар кўриб чиқилди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган мулоқот ёшларнинг фикр ва ташаббусларига катта эътибор қаратилаётганини яна бир бор намоён этди.

ХАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

“Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли “С.Раҳимов” – “Ўрта овул” станциялари оралиғида жойлашган темир йўл кесиммаси ўрнида, узунлиги 23,6 метр бўлган замонавий йўл ўтказгич барпо этилмоқда. Мазкур жараёнда 3383-километр 8-пикет жуфт йўлга вақтинчалик стрелкали ўтказгич, темир-бетон бруслари билан янги жойига ўрнатилди. Шунингдек, 203-йўл машина станциясининг тажрибали йўлсозлари томонидан тоқ ва жуфт йўлда узунлиги 600 метрдан бўлган 2 та вақтинчалик айланма темир йўл излари ётқизилди.



Мазкур қурилишда Сигналлаштириш ва алоқа ҳамда Электр таъминоти корхоналари ходимлари ҳам режа асосида ўз ишларини амалга оширдилар.



Ушбу жараёнлар поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаб, раҳбарлар ва ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилган ҳолда бажарилди.

СТАНЦИЯ ВА КОРХОНАЛАРДА НАЗОРАТ ТЕКШИРУВИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи М.Мирзаев ҳамда филиал бўлим бошлиқлари “Қарши” станцияси, “Қарши” вагон эксплуатацияси участкаси филиали ҳамда Қарши темир йўл масофаси филиалида назорат текширувини амалга оширдилар.

Мазкур текширув давомида станция ва корхоналарда техник ҳужжатлар юритилиши ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнларининг белгиланган меъёрларга мувофиқлиги, электр қурилмаларининг техник созлиги, цехларда олиб борилаётган ишлар сифати атрафлича кўздан кечирилди.



Шунингдек, маъмурий бино, омборхона ҳамда ишчи-ходимлар учун мўлжалланган дам олиш хоналари ҳолати ўрганилиб, уларда яратилган шарт-шароитлар баҳоланди.

Текширув давомида станция ҳудудида ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидалари қатъий бажарилиши, станция навбатчиларининг смена давомида тезкорлик билан ишларни ташкил этиши ўрганилди.



Шунингдек, темир йўл иншоотлари ва қурилмаларининг соҳа ҳолатида сақланиши, локомотив ва вагонлар техник ҳолати, йўл ҳўжалиги, электр таъминоти, сигналлаштириш ва алоқа тизимларининг ишлаш самарадорлиги, Face ID қурилмалари, техник ҳужжатларнинг тўғри юритилиши атрафлича ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан уларни бартараф этиш, таъмирлаш ва тақомиллаштириш бўйича масъулларга тегишли топшириқлар берилди.

Станция ва корхоналар ҳудудини ободонлаштириш, кўчаларнинг яхшилаш, санитария ҳолатини яхшилаш, экологик муҳитни асраш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада олиб борилаётган ишлар кўздан кечирилиб, уларни янада тизимли давом эттириш бўйича тавсиялар берилди.

“УРГАНЧ – ХИВА” ТЕМИР ЙЎЛ ЛИНИЯСИ ВА ЯНГИ ВОКЗАЛ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

“Темирйўлнингфратузилма” акциядорлик жамияти бош муҳандиси А.Бозоров бошчилигида ишчи гуруҳ Хоразм ҳудудига ташириқ буюрди.



Ташриф давомида “Урганч – Хива” темир йўл линияси, янги қурилаётган аэропорт йўли ҳамда Урганч аэропорти ҳудудида барпо этилаётган темир йўл вокзали қурилиш майдонларида олиб борилаётган ишлар кўздан кечирилди. Қурилиш-монтаж ишларининг бориши,



объектларнинг тайёрлик даражаси ва яратилаётган шарт-шароитлар билан танишилиб, ишларни белгиланган муддатларда сифатли якунлаш юзасидан масъулларга тегишли тавсия ва топшириқлар берилди.

ТАДБИРКОРЛАР МУРОЖААТЛАРИ ВА ТАКЛИФЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 2026 йил 15 майдаги 136-УН-сонли фармойиши ижроси доирасида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи ўринбосари Ш.Қодиров бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Термиз темирйўлчилар маданият саройида “Жарқўрғон”, “Термиз”, “Ғалаба”, “Учқизил”, “Наушаҳар”, “Шерабод” ва “Болдир” станцияларида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилди.



Учрашув давомида тадбиркорлар томонидан билдирилган муурожаат ва таклифлар атрафлича тингланиб, мавжуд масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Шунингдек, темир йўл хизматларидан фойдаланувчи тадбиркорларнинг таклифлари узел раҳбарияти ва соҳа мутахассислари томонидан қабул қилиниб, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда юк ташиш жараёнларида қулайликларни ошириш юзасидан келишиб олинди.



Мазкур очик мулоқот тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва темир йўл орқали юк ташиш хизматлари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.



НА ДОРОГАХ МИРА

МАГИСТРАЛЬ БЕРЛИН – ГАМБУРГ ОТКРЫЛИ ПОСЛЕ КОМПЛЕКСНОЙ РЕКОНСТРУКЦИИ

После завершения комплексной реконструкции линии Берлин – Гамбург 14 июня 2026 г. открылось движение поездов на всем ее протяжении. Вместе с тем на отдельных участках поезда дальнего следования курсируют с пониженной скоростью, поскольку еще не выполнены все пробные поездки, требуемые для приемки этих участков в полном объеме. Из-за этого железные дороги Германии (DB) временно ввели адаптированный график движения и привлекли дополнительных специалистов для устранения возможных сбоев в работе оборудования в течение ближайших недель. По линии ежедневно проходят 470 пассажирских (дальнего следования и региональных), а также грузовых поездов.



Магистраль длиной 278 км закрыли на реконструкцию 1 августа 2025 г. и планировали открыть вновь 30 апреля 2026 г., однако из-за аномально холодной и снежной зимы DB вынуждены были приостановить часть работ и отстали от графика. В марте 2026 г. DB обновили концепцию пуска магистральной в два этапа и затем 15 мая открыли движение на участке Гамбург – Хагенов, что позволило восстановить перевозки между Гамбургом и Шверинем.

В ходе реконструкции уложено 165 км рельсов, 249 стрелочных переводов, построено семь новых обгонных пунктов и около 5 км шумозащитных экранов. DB внедрили шесть новых и модернизировали 19 существующих систем централизации. Вся техника подготовлена к развертыванию европейской системы управления движением поездов ETCS. Также на линии созданы условия для внедрения перспективной системы железнодорожной радиосвязи FRMCS поколения 5G и модернизированы 28 пассажирских станций и вокзальных помещений.

В настоящее время работы по программе комплексной реконструкции ведутся на магистральной Гамбург – Ганновер и участке Обертраублинг – Пассау. В июле 2026 г. планируется завершить реконструкцию высокозагруженных участков Хаген – Вупперталь – Кельн и Нюрнберг – Регенсбург.

CONCORD CONTROL SYSTEMS ОБОРУДУЕТ ИНДИЙСКИЕ ЛОКОМОТИВЫ СИСТЕМОЙ KAVACH 4.0

Компания Concord Control Systems через свое дочернее предприятие Progota India заключила с железными дорогами Индии (IR) контракт стоимостью около 2,8 млрд индийских рупий (около 29 млн долл. США) на оборудование локомотивов IR бортовыми устройствами системы управления движением по радиоканалу Kavach 4.0 в течение 2026 г. В рамках контракта компании предстоит поставить, смонтировать, испытать и ввести в эксплуатацию локомотивное оборудование системы.



Число оснащаемых устройствами Kavach 4.0 локомотивов в официальных источниках не указано, но его можно оценить величиной от 310 до 350 ед. Стоимость развертывания Kavach 4.0 на одном локомотиве составляет, по данным IR, от 8 до 9 млн рупий. Подробнее о системе Kavach можно почитать в статье на нашем сайте.

Concord Control Systems со штаб-квартирой в Лакхнау, столице штата Уттар-Прадеш на севере Индии, является одной из ведущих в стране технологических компаний и специализируется на встраиваемой электронике, системах управления, диагностике и технических решениях для выполнения критически важных функций на железнодорожном транспорте.

По материалам интернетам

■ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

“ТОШКЕНТ – БУХОРО – ГИЖДУВОН (ОЛТИНСОЙ) – ТОШКЕНТ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА САЁҲАТ УЮШТИРИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раҳбарияти ва Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2025 йил 7 ноябрдаги 1-52-сонли “Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини республиканинг тарихий шаҳарларига ва ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларига саёҳатларни ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 12-14 июнь кунлари “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали Худудий касаба уюшма қўмитаси корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимларни республикамизнинг тарихий шаҳарлари билан таништириш, бой тарихий меросимизни ўрганиш учун “Тошкент – Бухоро – Гиждувон (Олтинсой) – Тошкент” йўналишида саёҳат уюштирилди.



Саёҳат давомида Бухородаги тарихий обидалар – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Лаби Ховуз, Пойи Калон, “Арк” мажмуалари, шунингдек, Бухоро вилояти Гиждувон туманида жойлашган “Олтинсой” дам олиш маскани каби бир қанча тарихий обидалар билан танишиб, ҳордиқ чиқардилар.

САЁХАТ ҚИЛИНГ!

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ТУРКИЯ: ЭКОЛОГИК ВА БАРҚАРОР ТУРИЗМ ТАЖРИБАСИ

Бугунги кунда сайёҳлар фақат янги манзилларни кўриш билан чекланиб қолмай, балки мазмунли таассуротлар ва масъулиятли саёҳат тамойилларига ҳам кўпроқ эътибор қаратмоқда. Book.comнинг 2026 йилги “Саёҳат ва барқарорлик” ҳисоботида кўра, сўровномада катнашган сайёҳларнинг 85 фоизи барқарор туризм улар учун муҳим ёки жуда муҳим эканини таъкидлаган.



Туркия ҳар қандай сайёҳ учун бетакор тажрибаларга бой етакчи йўналишлардан бири сифатида ажралиб туради. Мусаффо соҳиллар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, бой маданий мерос ҳамда маҳаллий ҳамжамиятларга таянган туризм ташаббуслари сайёҳларга туристик масканларни янада чуқурроқ ўрганиш имконини беради.

Масъулиятли саёҳатга бўлган талаб ортиб бораётган бир паллада Туркия ҳам ушбу йўналишда изчил ва пухта шакланган сиёсатни амалга оширмоқда. “Туркиянинг экологик ва маданий барқарорлик дастури” доирасида Глобал барқарор туризм кенгаши томонидан сертификатланган меҳмонхоналар халқаро барқарорлик стандартлари асосида фаолият юритади. Манзарали темир йўл йўналишлари ва елканли саёҳатлар каби экологик таъсири кам бўлган транспорт турлари эса атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатни қўллаб-қувватламоқда.

Туркиянинг бу борадаги саёҳат-харакатлари халқаро микёсда ҳам эътироф этилмоқда. Мамлакат Wanderlust журнаlining “The Travel Green List™ 2026” рўйхатидан икки йўналиш бўйича ўрин олди. Хусусан, дунёда илк бор мамлакат микёсида жорий этилган “Туркиянинг экологик ва маданий барқарорлик дастури” ҳамда яшил туризм маскани сифатида тан олинган Бирги ушбу нуфузли рўйхатдан жой олди.

ТУРКИЯНИ ИККИ ҒИЛДИРАК УСТИДА КАШФ ЭТИНГ

Турли даражадаги велосипедчилар учун мўлжалланган манзарали йўналишлар Туркиянинг яширин қўлтиқлари, ям-яшил ўрмонлари, улугвор тоғлари, қадимий ёдгорликлари ва асл қишлоқ ҳаётини ўзгача тарзда кашф этиш имконини беради.

Икки китгани туташтирган Истанбул, машҳур EuroVelo 8 йўналишининг бир қисми бўлган Измир, Анталиянинг феуза рангли кўрғазлари ва Каппадокиянинг эртаканмо водийлари велосипед саёҳати ишқибозлари учун энг жозибали манзиллар сирасига киради.

Мамлакатдаги велосипедчиларга ихтисослашган меҳмонхоналар тармоғида велосипедларни таъмирлаш хизматлари, саёҳатчилар эҳтиёжига мос менюлар ва бошқа зарур шароитлар йўлга қўйилган.

ТУРКИЯ СЎҚМОҚЛАРИДА ЭКОТУРИЗМ

Турк Ривьераси бўйлаб 500 километрдан ортқ масофага чўзилган машҳур Ликия йўли бетакор соҳил манзаралари ва қадимий Ликиянинг бой тарихий ёдгорликларини уйғунлаштирган энг машҳур пиеда йўллари дан бири саналади.

Измирдаги Эфелер йўли эса Green Destinations ташкилотининг “Top 100 Stories” рўйхатидан ўрин олган бўлиб, у анъанавий қишлоқлар ва баланд яйловлар орқали ўтади.

Бурсадаги Улудағ миллий боғи эса табиат ихлосмандлари учун идеал масканлардан биридир. 17-19 июль кунлари бу ерда нуфузли Uludag Premium Ultra trail мусобақасининг тўққизинчи мавсуми бўлиб ўтади.

ХИВА ШАҲРИГА САЁХАТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

“ЎЗБЕКИСТОН БЎЙЛАБ САЁХАТ ҚИЛ!” ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН “ТЕМИРЙЎЛ-ИНФРАТУЗИЛМА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ “ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИ ТАСАРРУФИДАГИ ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН 50 НАФАР ИШЧИ-ХОДИМ УЧУН ХИВА ШАҲРИГА 3 КУНЛИК МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ САЁХАТ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мазкур саёҳатнинг асосий мақсади ишчи-ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг тарихий ва маданий билимларини бойитиш, меҳнат жамоаларида соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлаш ҳамда ички туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат бўлди.

Саёҳат давомида иштирокчилар дунё тамаддуни бешикларидан бири ҳисобланган қадимий Хива шаҳрининг бетакор тарихий-меъморий ёдгорликлари, музейлари ва муқаддас қадамжоларини зиёрат қилдилар. Хусусан,

Ичан-қалъа мажмуаси, Калта Минор, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ҳамда бошқа кўплаб тарихий обидалар билан яқиндан танишиб, уларнинг яратилиш тарихи ва миллий меросимиздаги ўрни ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

Саёҳатчилар қадимий шаҳар кўчалари бўйлаб сайр қилишар экан, аждоқларимиз томонидан яратилган маданий мерос, миллий қадриятлар ва анъаналарнинг бугунги кундаги аҳамиятини янада чуқурроқ ҳис этдилар. Бу эса уларда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур ва тари-

химизга ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлади.

Шунингдек, саёҳат дастури доирасида иштирокчилар учун маданий ҳордиқ тадбирлари, кўнгило-чар учрашувлар ва концерт дастурлари ҳам ташкил этилди. Ушбу тадбирлар ишчи-ходимларга юқори кайфият улашиб, уларнинг меҳнат фаолиятидаги чар-

чоқларини бартараф этиш, жамоа аъзолари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва корпоратив бирдамликни янада кучайтиришга хизмат қилди.

Касаба уюшмалари томонидан меҳнатқашларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг дам олиши ва соғлом

турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган бундай тадбирлар ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, маънавий дунёсини бойитиш ҳамда жамоаларда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Саёҳат якунида иштирокчилар ташкилотчиларга

ўз миннатдорликларини билдириб, бундай маънавий-маърифий тадбирлар келгусида ҳам мунтазам давом эттирилишига умид билдирдилар. Мазкур саёҳат барчада унутилмас таассуротлар қолдириб, тарихий меросимизни чуқурроқ англаш ва қадрлашга хизмат қилган мазмунли тадбирлардан бири бўлди.



БОЛАЛАР ЁЗИ-2026

ЎТГАН ҲАФТА “ТЕМИР ЙЎЛ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ЖОЙЛАШГАН “ҚИБРАЙ” БОЛАЛАР ОРОМГОҲИДА ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН ЁЗ МАВСУМИНИНГ 1-БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ.

ОРОЛЬЎЙИ ВА ХОРАЗМ ҲУДУДИДАГИ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР ФАРЗАНДЛАРИ “ҚИБРАЙ” ОРОМГОҲИДА

12 июнь куни эрта тонгда “Тошкент-жанубий” темир йўл вокзалидан Орольўйи ҳамда Хоразм вилояти ҳудудларида фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг фарзандлари муносиб кутуб олинди. 450 нафарга яқин 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар вокзал ҳудудида тиббий кўрикдан ўтказилиб, махсус бириктирилган автобусларда “Қибрай” оромгоҳига етказилди. Болаларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидан поездларда Тошкент шаҳрига етказилиши ва вокзалдан оромгоҳга олиб борилиши Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари назоратида бўлди.

Ажойиб ҳавоси, сўлим табиати билан дилга завқ берадиган оромгоҳда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил мавсумини мазмунли ўтказиши учун



барча шарт-шароитлар яратилди. Ҳудуднинг гўзал манзараси чарқокдан фориғ этса, масканда ташкил этилган кўнгилочар тадбирлар болажонларга завқ бағишлайди.

Жорий йил оромгоҳда тўрт навбатда соҳа фарзандлари қабул қилинади. Ёз мавсуми давомида 1 минг 200 нафар бола дам олиши режалаштирилган. Шунингдек, меҳрибонлик уйларида ҳам болаларни имтиёзли дам олдирини кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, мавсум олдидан оромгоҳда ҳар қачонгидан ҳам катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Маскан бутунлай

таъмирдан чиқарилиб, болалар учун мўлжалланган ётоқхоналар, тиббиёт пункти, ошхона ва кутубхона тўлиқ таъмирланди. Кутубхонага янги жиҳозлар ва болалар учун мўлжалланган 200 та бадиий адабиёт харид қилинди. Бу эса уларни кўнгилдагидек мароқли ҳордиқ чиқаришларига имкон яратади.

Марказий санитария-эпидемиология станцияси ходимдари ёз мавсуми давомида оромгоҳнинг санитария ҳолатини ва болажонларни сифатли ичимлик суви ҳамда озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини доимий назорат қилиб боришади.

“БУРЧИ МУЛЛО” ОРОМГОҲИДА ҲАМ 1-МАВСУМ БОШЛАНДИ

Жорий йилнинг 11 июнь куни “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги “Бурчи мулло” болалар соғломлаштириш оромгоҳига темирйўлчиларнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 320 нафар ўғил-қизлари Тошкент шаҳридан кузатилди.

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг имтиёзли йўлланмалари асосида йўлга чиққан ҳар бир болажон дастлаб Марказий санитария-эпидемиология станцияси ҳамда йўл болалар шифохонаси шифокорлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Сўнг ҳуқуқ-тартибот ходимлари кузатида, махсус микроавтобусларда Тошкент вилоятининг сўлим тоғ бағрида жойлашган оромгоҳга хавфсиз етказилди.

Таъкидлаш лозимки, “Темир йўл ижтимоий хизматлар” масъулияти чекланган жамияти мутахассислари томонидан “Бурчи мулло” оромгоҳини мавсумга тайёрлаш ишлари

намунали тарзда олиб борилди. Соҳа фарзандлари табиати кўркем, соҳсалқин гўзал масканда таътилни ўтказиш имкониятига эга бўладилар. Болажонларнинг вақтини мазмунли ва мароқли ўтказиши учун оромгоҳ ҳудуди замонавий аттракционлар, болалар ўйин майдончалари ва шинам сув ҳавзалари билан таъминланган.

Уларга кун давомида 4 маҳал маза-ли ва юқори калорияли иссиқ таомлар тортиқ этилади. Тажрибали ва олий маълумотли тарбиячилар ҳар бир гуруҳни назорат қилиб, дам олувчиларни кунини мароқли ўтишига ҳисса қўишади. Шунингдек, уларнинг маънавий билимларини ошириш мақсадида бой китоб фондига эга кутубхона ҳам фаолият юритмоқда.

Ушбу оромгоҳда 11 июндан 2 августга қадар темирйўлчиларнинг 1 минг 280 нафар фарзандлари 4 та мавсумда 12 кундан соғломлаштирилади.

1-мавсум 11 июндан бошланган бўлса, 2-мавсум 25 июнда бошланади. 3-мавсум эса 9 июлдан, сўнгги 4-мавсум 23 июлда болажонларни қабул қилади.



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж. Нарзуллаев З.Ф. Сабилов Қ.С. Юсупов Ж.З. Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусаҳҳиҳ – Умида ТҮЙЧИБОЕВА

Саҳифаловчи – Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй.
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)
Қабулхона: (71) 236-48-92
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-634 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6